my.gov.uz

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 4278-4266-2fb6-8acd-8a23-5076-9047
Ҳужжат яратилинган сана: 2024-04-29
Ариза рақами: 111006806

Ҳужжат берилган: "BIG STAR PROJECT" MAS`ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТИР: 304120654

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**
Тошкент шахар Қурилиш бош бошқармаси
Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи органининг
2024-04-29 даги 111006806 -сонли
**ХУЛОСАСИ**

| т/р | Тақдим этиладиган маълумотлар | |
|---|---|---|
| **1.** | Ариза рақами: | 111006806 |
| **2.** | Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи: | “BIG STAR PROJECT” МЧЖ |
| **3.** | Лойиҳа-смета хужжатларининг буюртмачиси номи: | “CHINA HOUSE” МЧЖ |
| **4.** | Объект манзили: | Сергели тумани, Юқори Дархон МФЙ, Наврўз кўчаси, 186а-уй |
| **5.** | Лойиҳа-смета хужжатларининг номланиши: | Ўз ер участкасида кўп квартирали турар жой сифатида ихтисослаштириб қайта қуриш учун |
| **6.** | Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари: | 1726-1726283-101534 |

**Лойихани кўриб чиқиш натижаси**

| т/р | Категория | Натижа | Изох |
|---|---|---|---|
| **1.** | Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги: | Ижобий | |
| **2.** | Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги: | Ижобий | |
| **3.** | Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги: | Ижобий | |
| **4.** | Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги: | Ижобий | |
| **5.** | Қурилиш чизиғига амал қилинганлиги: | Ижобий | |
| **6.** | Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги: | Ижобий | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **7.** | Ёнғин ҳавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги: | Ижобий | |
| **8.** | Лойиҳада имконияти чекланган шаҳсларинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги: | Ижобий | |
| **9.** | Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги: | Ижобий | |
| **10.** | Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги: | Ижобий | |
| **11.** | АРТ талабларидан четга чиқиш: | Ижобий | |

**Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:**

**Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати:** Келишилган;
**Қўшимча маълумотлар:** Сергели туман Фавқулодда вазиятлар бўлимининг № 23/30-166 -сонли Х У Л О С А С И “27” январь 2024 йил Тошкент шаҳар Сергели тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан, Сергели тумани Наврўз кўчаси 186а-уй манзилида “ўз ер участкасида кўп квартирали турар-жой сифатида ихтисослаштириб қайта қуриш” бўйича “BIG STAR PROJECT” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган эскиз лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектурага оид қисмини ўрганиб чиқиб, қурилишга тадбиқ этилишига эътироз билдирилмайди. Шунингдек, объект қурилиши бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳаларда, шаҳарсозлик соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ёнғинга қарши талабларни тўлиқ инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозимлиги маълум қилинади.;

**Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати:** Келишилган;
**Қўшимча маълумотлар:** Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Сергели туман бўлими томонидан 26.01.2024 йилдаги 111006806 сонли мурожаат билан келиб тушган лоиха смета хужжатлари кўриб чиқилди. Манзили: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, “Юқори Дархон” МФЙ, Наврўз кўчаси, 186а-уй. Хужжат номи: “Ўз ер участкасида кўп квартирали турар жой сифатида ихтисослаштириб қайта қуриш учун." эскиз лойиҳаси. Лоиха хужжатларини ишлаб чиққан корхона: "BIG STAR PROJECT" МЧЖ. 111006806-сонли мурожаат билан тақдим этилган "BIG STAR PROJECT" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, “Юқори Дархон” МФЙ, Наврўз кўчаси, 186а-уйда жойлашган мавжуд“Ўз ер участкасида кўп квартирали турар жой сифатида ихтисослаштириб қайта қуриш учун." эскиз лойиҳа-смета хужжатлари Шаҳарсозлик нормалари ва коидалари меъёрий хужжати ва Сан Қ ва М талабларига риоя этган холда қуриш учун келишилди.;

**Бош архитектор:** O`zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi;




**Маъқулланди:**

**1. Хулоса берувчиларнинг хулосасида кўрсатилган талабларни бажариш, муҳандислик тармоғидан химоя масофаси сақлаш ҳамда юқори қаватини 9-қаватга дуплекс қилиб режалаштириш шарти билан лойиҳа ишларини давом эттириш.**

**2. Лойиҳалаш жараёнида АРТ ва рухсатномада кўрсатилган талабларни бажариш ҳамда бино ички қисмини ШНК 2.08.01-19 талаблари асосида қайта ишлаш.**

**3. Лойиҳада муҳандислик тармоқларининг юкламалари инобатга олган холда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш ҳамда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслик талаби белгилансин.**

**Қуйидаги талаб ва шартлар белгиланди: Лойиҳада келишиб берилган барча бино ва иншоотларда тунги ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгилансин ва ушбу талаб лойиҳада кўрсатиб ўтилсин.**

**Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойиҳалар юзасидан ШНҚ асосида хар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олиш ва ушбу ишлар амалга оширилмагунга қадар Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишга қабул қилинмаслиги назоратга олсин.**

**“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Тошкент шаҳар филиали, “Hudud gaz poytaxt” газ таъминоти филиали, Тошкент шаҳар “Сув таъминоти” МЧЖ директорлари хар лойиҳани аниқ хисоб китобларга таянган холда юкламалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёрлардан ошиқча юкламаларда ишлаётган худудларда коммуникация тармоқларига уланишга йўл қўймасин.**

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси хар бир худудни ўрганиб, юқоридаги хар бир лойиҳалар учун иқлим шароитига мос бўлган айланаси 18 смдан, баландлиги 3 метрдан кам бўлмаган дарахтлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар экилишини назорат қилсин. Лойиҳалаш жараёнида атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси (ЗВОС) олиш шарти белгилансин.**

**Лойиҳада муҳандислик тармоқларининг юкламалари инобатга олган холда техник шартлар олиш ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш ҳамда уларга туташ худудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва навниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонинг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмаслик талаби белгилансин.**

**Вазирлар Махкамасининг 2023 йил, 23 ноябрдаги 619-сонли қарорига асосан 2024 йил 1 апрелдан худудий инспекцияларда рўйхатдан ўтмасдан қурилган объектларни инструментал техник текширувдан ўтказиб, фойдаланишга рухсат бериш ишларини тўхтатилганлигини инобатга олиб, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтмасдан объектда қурилиш ишлари бошланган тақдирда, ушбу хулоса ўз кучини йўқотади.**

**Юқоридаги кўрсатилган талаблар бажарилмаган ҳамда ер майдонидан чиқиб кетган холда лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилган холат аниқланган тақдирда хулосалар бекор қилиниши ва ушбу холатга маъсул лойиҳа ташкилоти эканлиги белгилаб қўйилсин.**

**Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалаштирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, муҳандислик тармоқларини хам инобатга олинсин.**

**Ушбу хулосалар қурилиш ишларини олиб борилишига асос бўлмаслигини, бироқ хулоса талаблари бажарилмаган тақдирда белгиланган тартиб ва тамойиллар асосида рухсат берувчи маъмурий хужжатлар бекор бўлиши мумкунлиги хусусида огоҳлантирилсин.**

**Лойиҳаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналиши бўйича маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.**

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини repo.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

8611